

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.17.01.РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҲОШИМОВ ЖАҲОНГИР РАВШАНБЕК ЎҒЛИ

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ
ҚИЛИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри - 2022 йил

УДК: 339.97:339.727.22

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии (Doctor of
Philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (Doctor of
Philosophy) on economical sciences**

Ҳошимов Жаҳонгир Равшанбек ўғли

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни
ривожлантириш йўналишлари 3

Хошимов Жаҳонгир Равшанбек угли

Направления развития привлечения иностранных инвестиций в национальную
экономику 27

Khoshimov Jakhongir Ravshanbek ugli

Directions of developing the attraction of foreign investment into the national
economy 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.I.17.01.РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҲОШИМОВ ЖАҲОНГИР РАВШАНБЕК ЎҒЛИ

**МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ
ҚИЛИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙўНАЛИШЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри - 2022 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Iqt1806 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Каримкулов Жасур Имомбоевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Хайриддинов Азамат Ботирович
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент


Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «Н» 03 куни соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (266 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2022 йил «13» 02 куни тарқатилди.
(2022 йил «19» 02 даги 25 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

Т.З.Тешабоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]
Ф.К.Холмаматов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

[Handwritten signature]
И.Н.Қўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатлари тажрибаси кўрсатишича, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Мазкур масала, биринчи навбатда, мамлакатнинг инвестицион жозибаторлигига, хорижий инвесторларга яратилган шарт-шароитларга ва мамлакатда олиб борилаётган инвестиция сиёсатига бориб тақалади. Ўз навбатида, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг фаол жалб қилиниши мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни интенсив ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқларида замонавий технологияларни жорий қилиш орқали рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, минерал хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича юқори технологик ишлаб чиқариш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларини яратади. «Бундай имконият ва уни эришишга қаратилган иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш уларнинг қай даражада ва қандай шаклларда жалб қилинишига ҳам бевосита боғлиқдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (UNCTAD) маълумотларига кўра»¹, «Covid-19» пандемияси сабаб бўлган инқироз туфайли барча мамлакатларда хорижий инвестициялар ҳажми (оқими) қисқарди. «Аmmo, энг катта йўқотишлар иқтисодиёти ривожланган мамлакатларга тўғри келиб, бу кўрсаткич Европа мамлакатларида 80 фоизга, АҚШда 40 фоизга пасайган»². Шу сабабдан ҳам жаҳоннинг аксарият мамлакатлари хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш асосида иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жаҳон амалиётида мамлакатга хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг инвестицион жозибаторлигини таъминлаш, мамлакатнинг инвестицион салоҳиятидан унумли фойдаланиш, фаол инвестиция сиёсатини юритиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари тақомиллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу илмий тадқиқотларда хорижий инвесторлар учун турли молиявий (солиқ) имтиёзлар бериш, фонд бозорларини ривожлантириш, эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш, турли даражадаги инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай бўлса-да, пандемия ортидан бошланган инқироз таъсирида 2020 йилда жаҳонда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми ўтган йилга нисбатан 35 фоизга қисқариб, 1 трлн. АҚШ долларини ташкил қилди. Бутун дунёда пандемияга қарши жорий қилинган

¹ Конференция Организации Объединенных Наций по торговле и развитию. Обзор. Доклад о мировых инвестициях 2021. Инвестиции в устойчивое восстановление. ЮНКТАД.

² https://unctad.org/system/files/official-document/wir2021_overview_ru.pdf.

чеклов чоралари амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларга салбий таъсир кўрсатди. Бу ўта жиддий муаммо ҳисобланиб, халқаро инвестиция оқимлари ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётида бўлган мамлакатларни барқарор ривожлантиришдаги ҳаётий муҳим омилдир. Бу эса иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиши зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш, чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш юзасидан кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. «Инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш бўйича устувор вазифалар белгиланган». Бироқ, бундай устувор вазифаларнинг удаланиши, энг аввало, мамлакатда инвестиция муҳитининг тубдан яхшиланишини тақозо этади. Бу ҳақда, «...жалб этилган хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш, бу борада жадал ва тизимли иш олиб бориш зарур», «...ҳудудларда ишлаб чиқариш соҳаларига инвестиция жалб қилиш аҳволи талабга жавоб бермайди»³, деган фикрлари ушбу масалага янада ойдинлик киритади. Чунки, бундай шароитда миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади ва мазкур диссертация иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2019 йил 29 апрелдаги «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4300-сон, 2021 йил 25 августдаги «Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5233-сон Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги «Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5243-сон Қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 март куни инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни жадаллаштириш масалалари бўйича йиғилишида сўзлаган нутқи (<https://president.uz/uz/2441>).

ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий инвестицияларнинг назарий жиҳатлари, уларни жалб қилишдаги муаммолар таниқли иқтисодчилардан М.Фридман ва П.Фишернинг илмий ишларида ўз аксини топган⁴.

Иқтисодийга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий ва амалий жиҳатлари, хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестиция муҳити, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари россиялик иқтисодчи-олимлардан Г.Ф.Биргулиева, Н.Н.Левенцев, Г.М.Костюнина, Д.В.Муха, Л.В.Матраева, Ю.М.Филатова, С.Г.Ерохин, М.Д.Сулейманов, А.А.Михин, Г.П.Оксюттик, К.К.Pozdnyakov, Е.Н.Петрушкевич, Р.А.Саркисян, П.Г.Фишер, М.Г.Шаллаевалар томонидан тадқиқ этилган⁵.

Ўзбекистонлик олимлардан А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажобакиев, Н.Г.Мўминов, Б.Б.Валиев, Н.Х.Жумаев, Д.Ф.Ғозибеков, Э.И.Носиров, У.С.Надырханов, Н.Ғ.Каримов, Ж.И.Каримқулов, Г.А.Каримова, Б.Ш.Маматов, М.А.Раимжанова, Д.Д.Рустамова, Қ.Б.Хошимов, Р.Р.Кузиев, Н.Р.Қўзиева, А.Э.Қобилов, Б.К.Тухлиевларнинг илмий ишларида хорижий инвестицияларни миллий иқтисодийга жалб қилишдаги муаммолар, эркин иқтисодий зоналар фаолияти, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмлари, хорижий инвестициялар самарадорлигини ошириш кабилар ўрганилган, таҳлил қилинган ва бу борада илмий асосланган хулоса, таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган⁶.

⁴ Фридман М. Количественная теория денег. – М.: Дело, 1996. – 276 с.; Фишер П. Прямые иностранные инвестиции для России. – М.: Финансы и статистика, 1999. – 506 с.

⁵ Биргулиева Г.Ф. Прямые иностранные инвестиции как фактор экономического роста в условиях инновационного развития России. Автореф. дисс. на соис. уч. ст. к.э.н. – СПб: УГАТУ, 2009. – 27 с.; Левенцев Н.Н., Костюнина Г.М. Международное движение капитала: инвестиционная политика зарубежных стран: Учебник. – М.: Экономист, 2007. – 368 с.; Муха Д.В. Макроэкономическая эффективность привлечения прямых иностранных инвестиций в Республику Беларусь. Монография. – Минск: Беларуская навука, 2017. – 262 с.; Матраева Л.В., Филатова Ю.М., Ерохин С.Г. Иностранные инвестиции: учебник. – М.: Дашков и Ко, 2014. – 248 с.; Сулейманов М.Д., Михин А.А. Иностранные инвестиции. Монография. – М.: МНИ, 2011. – 93 с.; Оксюттик Г.П. Иностранные инвестиции в России. Монография. – СПб.: Издательство Санкт-Петербургского университета управления и экономики, 2014. – 220 с.; Pozdnyakov К.К. The theoretical basis of the mechanism of attraction of foreign investments in the Russian regions and the rationale for their practical applicability. Raleigh, NorthCarolina, USA: LuluPress, 2015. – 174 p.; Петрушкевич Е.Н. Международные прямые инвестиции в мировой экономике: теория, методология, государственное регулирование. Автореф. дисс. на соис. уч. ст. д.э.н. – Минск: БГЭУ, 2020. – 51 с.; Рогатнев Н.С. Эффекты прямых иностранных инвестиций в развивающихся странах: типология, моделирование, регулирование. Автореф. дисс. на соис. уч. ст. к.э.н. – Воронеж: ВГУ, 2015. – 24 с.; Саркисян Р.А. Роль прямых иностранных инвестиций в экономике Республики Армения. Автореф. дисс. на соис. уч. ст. к.э.н. – М.: РУДН, 2018. – 25 с.; Фишер П. Привлечение в Россию прямых иностранных инвестиций: стратегический подход. Автореф. дисс. на соис. уч. ст. д.э.н. – М.: ВШЭ, 2002. – 32 с.; Шаллаева М.Г. Особенности и проблемы привлечения иностранных инвестиций в экономику региона (на примере Республики Дагестан). Автореф. дисс. на соис. уч. ст. к.э.н. – М.: ГУУ, 2012. – 26 с.; Чачина Е.Г. Активизация притока иностранных инвестиций в экономику региона. Автореф. дисс. на соис. уч. ст. к.э.н. – Уфа: УГАТУ, 2005. – 28 с.

⁶ Вахабов А.В., Хажобакиев Ш.Х., Мўминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – 328 б.; Ғозибеков Д.Ф. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Монография. – Т.: Молия, 2003. – 332 б.; Валиев Б.Б. Миллий иқтисодийнинг барқарор ривожланишини таъминлашда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Иқтисодий фанлари доктори (Doctor of Science)

Юқоридаги муаллифларнинг илмий изланишлари, диссертация ишлари тадқиқот сифатида танланган мавзуга у ёки бу даражада боғлиқ бўлса-да, уларнинг ҳеч бирида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари тадқиқот объекти сифатида қўйилмаган ва ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №ИТИ-3 «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

хорижий инвестициялар ва уларни иқтисодиётга жалб қилишнинг назарий асосларини тадқиқ этиш;

хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлашдаги ролини ва аҳамиятини асослаш;

миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш амалиётини тадқиқ этиш ва унга оид тенденцияларни аниқлаш;

миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш;

диссертацияси Автореферати. – Т.: ПМТИ, 2017. – 31 б.; Жумаев Н.Х. Халқаро молия муносабатлари. – Т.: ТМИ, 2003. – 293 б.; Ғозибеков Д.Ғ., Носиров Е.И. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 110 б.; Надырханов У.С. Прямые иностранные инвестиции в Узбекистане: опыт, проблемы, перспективы роста. Монография. – Т.: Фан ва технологиялар, 2011. – 184 с.; Каримов Н.Г. Иностранные инвестиции в экономику Республики Узбекистан и их финансовое обеспечение: автореферат дис. кандидата экономических наук: 08.00.10. – Т.: ТФИ, 1998. – 24 с.; Каримкулов Ж.И. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси Автореферати. – Т.: ТМИ, 2021. – 78 б.; Каримова Г.А. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларини жалб қилишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. – Т.: ТМИ, 2019. – 31 б.; Маматов Б.Ш. Ўзбекистонда давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни жалб қилишни кенгайтириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. – Т.: ДБА, 2021. – 53 б.; Раимжоновна М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш. Иқт. фан. ном. илм. дар. олиш учун ёз. дисс. автореф. – Т.: БМА, 2012. – 27 б.; Ҳошимов Қ.Б. Чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқт. фан. номз. илмий дар. олиш учун ёз. дисс. Автор. – Т.: ЎМУ, 2004. – 24 б.; Рустамова Д.Д. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари. Иқт. фан. номз. илмий дар. олиш учун ёз. дисс. Автор. – Т.: ТМИ, 2006. – 26 б.; Кузиев Р.Р. Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси Автореферати. – Т.: ТДИУ, 2021. – 64 б.; Қўзиева Н.Р. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизминини такомиллаштириш йўналишлари. Иқт. фан. док. илм. дар. олиш учун ёз. дисс. автореф. – Т.: БМА, 2008. – 46 б.; Қобилов А.Э. Ҳудудларни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг самарадорлигини ошириш (Қашқадарё вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. – Урганч: УДУ, 2021. – 61 б.; Тухлиев Б.К. Инвестицияларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси Автореферати. – Т.: ТДИУ, 2021. – 70 б.

миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишларини аниқлаш ва уларни илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларининг хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасидаги илғор тажрибаларини ўрганиш ва улардан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослаш;

миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёни танланган.

Тадқиқотнинг предмети миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш жараёнида вужудга келадиган молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда абстракт-манتيқий фикрлаш, умумлаштириш, гуруҳлаш, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил, эконометрик таҳлил, таҳлил ва синтез каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш мақсадида йирик корхоналар устав капиталларидаги давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш таклиф этилган;

миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш мақсадида чет эллик инвесторларга кафолатлар ва қўллаб-қувватлаш чораларини, хусусан, имтиёзлар ва преференцияларни ҳар бир аниқ ҳолатда берилиши зарурлиги асосланган;

инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида истиқболда хорижий инвесторнинг юқори қийматли ва ўз маблағлари улуши 25 фоиздан кам бўлмаган қўшма инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлашни молиялаштиришни бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириш таклиф этилган;

хорижий инвестиция иштирокида ташкил этиладиган корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улушининг энг кам миқдорини 15 фоиздан 10 фоизгача камайтириш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«хорижий инвестициялар» тушунчасига мукаммаллашган муаллифлик таърифи шакллантирилган;

мўлжалланган объектига кўра хорижий инвестицияларнинг турлари ҳамда хорижий инвестицияларнинг мазмун-моҳиятини аниқлашга хизмат қилувчи ва уларга хос муҳим характерли белгилар (хусусиятлар) аниқланган;

хорижий инвестицияларга таъсир этувчи омиллар белгиларига кўра таснифланган ва тавсифланган;

миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш амалиёти таҳлил қилиниб, унга оид тенденциялар аниқланган;

хорижий инвестицияларнинг республика ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқлари бўйича жойлашуви юзасидан муҳим илмий хулосалар шакллантирилган;

илғор хориж тажрибалари асосида иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг расмий манбалардан олинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, турли халқаро ташкилотлар, тегишли идора ва муассасаларнинг ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига, шунингдек Самарқанд вилояти инвестициялар ва ташқи савдо бошқармасининг расмий статистик маълумотларига таянилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштиришга, такомиллаштиришга бағишланган махсус, мустақил илмий тадқиқотлар олиб борилишида кенг қўламда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш, хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш, инвестицион муҳитни тубдан яхшилашга қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, ислоҳ этишга бағишланган илмий концепция, қонунлар, қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юр்தларида «Инвестиция ва инновация» ва «Инвестиция сиёсати» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш мақсадида йирик корхоналар устав капиталидаги давлат акциялар (улушлар) пакетларини сотиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 4 октябрдаги 06-18-10120-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий инвестиция ҳажмидаги улуши 30-35 фоизгача ўсишига эришилган;

миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш мақсадида чет эллик инвесторларга кафолатлар ва қўллаб-

қувватлаш чоралари, хусусан, имтиёзлар ва преференцияларни ҳар бир аниқ ҳолатда берилиши зарурлиги тўғрисидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 4 октябрдаги 06-18-10120-сон маълумотномаси). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини оширишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилган;

инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида истиқболда хорижий инвесторнинг юқори қийматли ва ўз маблағлари улуши 25 фоиздан кам бўлмаган қўшма инвестиция лойиҳаларини ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши зарурлиги ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 4 октябрдаги 06-18-10120-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши хорижий инвесторлар учун янада қулай инвестиция муҳитининг яратилишига хизмат қилган;

ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда хорижий инвестиция иштирокида ташкил этиладиган корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улушининг энг кам миқдорини 15 фоиздан 10 фоизгача камайтириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг 2021 йил 4 октябрдаги 06-18-10120-сон маълумотномаси). Натижада, миллий иқтисодиётга 2020 йилда 2,9 млрд. АҚШ доллари миқдоридан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 3 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 130 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги ҳамда диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари белгилаб олинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажмига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган бўлиб, унда хорижий инвестицияларнинг назарий асослари тадқиқ этилган, уларни жалб этишнинг зарурлиги, шакллари ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти очиб берилган, хорижий инвестицияларнинг характерли белгилари, хусусиятлари ва хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг хориж тажрибалари тадқиқ этилган.

Хорижий инвестицияларнинг моҳиятини ўзида мужассам этувчи таърифларни қиёсий таҳлил қилиш натижасида, фикримизча, қуйидаги бир неча муҳим хулосаларни чиқариш мумкин: хорижий инвестицияларга хос бўлган муҳим белгиларнинг биринчиси уларнинг, энг аввало, максимал даражада фойда олишга қаратилганидир. Қайд этиш жоизки, инвесторлар маблағларини жойлаштиришда, биринчи навбатда, ўз мақсадларини кўзда тутадик, улар ҳамма вақт умумиқтисодий фойдалиликка мувофиқ келмаслиги мумкин; хорижий инвестициялар турли (мулкӣ, номулкӣ, интеллектуал ва ҳ.к.) шакл (кўриниш)ларга эга маблағ (ресурс)лардан иборатлиги уларнинг иккинчи муҳим характерли белгисидир; турли кўринишдаги ресурслар инвестицияларга айланиши учун сарфланишини (ҳаракатини) тақозо этиши керак. Бунда инвестицияланаётган ресурслар маълум бир мақсадга йўналтирилганлик характерига эга бўлмоғи лозим. Бу – хорижий инвестицияларга тегишли учинчи муҳим характерли белги; ресурс (маблағ)лар сарфланишини тақозо этганда улар харажатлар тарзида акс этади. Бунда эса капитални жойлаштириш rischi юзага келади. Бу хорижий инвестицияларнинг тўртинчи муҳим характерли белгисидир; хорижий инвестициялар бошқа маблағлардан фарқли ҳолда нисбатан узоқроқ муддатга жойлаштирилишини талаб этади. Бу муддат учун, ўз навбатида, индивидуаллик хосдир. Буни хорижий инвестицияларнинг бешинчи муҳим характерли белгиси дейиш мумкин.

Хорижий инвестицияларнинг мазмун-моҳиятини, ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ўз ҳиссасини қўшиши лозим бўлган унинг муҳим характерли белгиларини 1-расм орқали изоҳлаш мумкин.



1-расм. Хорижий инвестицияларнинг мазмун-моҳиятини аниқлашга хизмат қилувчи ва уларга хос муҳим характерли белгилар (хусусиятлар)⁷

⁷ Расм тадқиқот натижаларига кўра муаллиф томонидан шакллантирилган. Уни шакллантиришда турли манбаларда (энциклопедия ва лугатлар, дасриқлар, монографиялар, ўқув кўланмалар, диссертация авторефератлари, конунлар ва ш.к.) хорижий инвестицияларга берилган таърифларнинг мазмуни таҳлил қилинган

Шу муносабат билан қайд этиш жоизки, юқоридаги характерли белгиларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида намоён бўлганда улар хорижий инвестицияларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга хизмат қилади.

Шундай қилиб, юқорида баён қилинганларга асосланган ҳолда хорижий инвестицияларнинг мазмун-моҳиятини ифодаловчи қуйидагича таъриф бериш ўринли: *субъектлар томонидан нисбатан юқори даражада фойда олиш мақсадида бир мамлакат ҳудудидан мутлоқ бошқа мамлакат ҳудудига муайян муддатга жойлаштириладиган турли кўринишдаги бойликларга хорижий инвестициялар дейилади.*

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, хорижий инвестициялар турли мезонлар бўйича таснифланади ва уларнинг умумий таснифини қуйидагича тасвирлаш мумкин

1-жадвал

Хорижий инвестицияларнинг таснифланиши⁸


| Таснифий белгилари (мезонлари) | Хорижий инвестицияларнинг турлари |
|---------------------------------------|--|
| Мазмуни ва мақсади бўйича | Тўғридан-тўғри, портфел ва бошқа турдаги хорижий инвестициялар |
| Мулкчилик тури бўйича | Давлат, хусусий, аралаш шаклдаги хорижий инвестициялар |
| Мўлжалланган объекти бўйича | Ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари, ускуналар, уй-жой қурилиши ёки ижарага бериш мақсадида уй-жойлардан фойдаланиш, захиралар (хом ашё ва материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар) |
| Жойлаштириш шакллари бўйича | Корхоналар капиталида улushi иштирок этиш, хорижий инвесторларга тегишли бўлган корхоналарни, мулкий мажмуаларни, бино ва иншоотларни сотиб олиш, акция, облигация ва бошқа турдаги қимматли қоғозларни сотиб олиш, ердан, табиий ресурслардан ва бошқа мулкий ҳуқуқлардан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларни сотиб олиш |
| Риск даражаси бўйича | Консерватив ва агрессив хорижий инвестициялар |
| Жойлаштириш муддати бўйича | Қисқа, ўрта ва узок муддатли |

Турли мезонлар бўйича хорижий инвестицияларнинг таснифланиши уларни жалб қилиш масаласига ҳам бевосита дахлдордир. Бугуни кунда жаҳон амалиётида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, энг оммабоп шакллари сифатида (2-расм): хорижий сармоя иштирокида корхоналар ташкил қилиш; эркин ёки махсус иқтисодий зоналар ва оффшор зоналарни ташкил қилиш; мамлакат резидентлари томонидан эмиссия қилинган қимматли қоғозларни олиш; консорциум, концессия ва альянслар; давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш, махсус инвестиция дастурларини жорий қилиш ва ҳ.к.

Шундай қилиб, хорижий инвестициялар иқтисодиётга турли шаклларда жалб қилиниб, унинг тартиби, тамойиллари, ҳуқуқий асослари ҳар бир

⁸ Тадқиқот натижалари муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

мамлакатнинг ўзига хос хусусияти, иқтисодий-ижтимоий ҳолати ва олиб борилаётган инвестиция сиёсатига боғлиқ бўлади.




2-расм. Жаҳон амалиётида иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари⁹

Диссертация ишининг «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг амалдаги ҳолати таҳлили» деб номланган иккинчи бобида хорижий инвестицияларга таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилган, мамлакатга жалб қилинган хорижий инвестициялар кўлами ва таркиби ҳамда Самарқанд вилояти мисолида хорижий инвестицияларни жалб қилиш амалиёти таҳлил қилинган.

Таҳлиллар кўрсатишича, хорижий инвестицияларга бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Булар сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий омиллардан иборат бўлиб, сиёсий ва иқтисодий омиллар хорижий инвестицияларни жалб қилишда бирламчи аҳамият касб этади. Улардан асосийлари, энг аввало, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик, иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, инфляция, конвертация масаласи, турли кўринишдаги молиявий (солиқ, божхона ва ҳ.к.) имтиёзлар, корхоналарни рўйхатга олишнинг соддалаштирилганлиги, қўшма корхоналар устав капиталини шакллантириш бўйича талаблар, хом ашё ва табиий ресурс кабилардан иборат. Шу муносабат билан хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўп омилли жараён бўлиб, бунда

⁹ Расм тадқиқот натижаларига кўра муаллиф томонидан шакллантирилган. Уни шакллантиришда бир қанча хорижлик олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари таҳлил қилинган ҳолда умумлаштирилган.

қуйидаги омиллар таъсирининг ҳисобга олиниши хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштиришда муҳим рол ўйнайди (3-расм).



3-расм. Хорижий инвестицияларга таъсир этувчи омиллар¹⁰

Ўз навбатида, ушбу омиллар мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини ҳам намоён этади ва инвестиция муҳитининг жозибадорлиги хорижий инвестицияларни жалб қилишда муҳим ўринни эгаллайди.

Мамлакатда инвестицион фаолиятнинг тараққиёти, хорижий инвестицияларни жалб қилиш кўлами, аксарият ҳолларда, улар салмоғининг даражаси билан изоҳлашга ҳаракат қилинади. Шунга мос равишда, агар тегишли салмоқни ифодаловчи кўрсаткич даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг роли ҳам юқори ва аксинча хулосага келинади. Ана шундай ёндашувга таянган ҳолда хорижий инвестицияларни характерловчи маълумотлар қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш асосида қуйидаги бир неча муҳим хулосаларни чиқариш мумкин: 2016-2020 йиллар давомида мамлакатимизда ЯИМ ҳажмининг умумий суммаси барча омилларнинг таъсири остида (шу жумладан, инфляция, конвертация, коронавирус пандемияси) 0,8 мартага камайган; худди шу даврда хорижий инвестициялар умумий суммасининг ўсиш даражаси эса барча омиллар ҳисобидан (жумладан, инфляция, конвертация, коронавирус пандемияси) 1,1 мартага ортган. Демак, кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган давр мобайнида барча омиллар ҳисобидан

¹⁰ Илмий тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

хорижий инвестицияларнинг ўсиш суръатлари ЯИМ ҳажмининг ўсиш суръатларидан анча юқори бўлган ва бу кўрсаткичнинг даражаси 1,37 га тенгдир.

2-жадвал

Ялпи ички маҳсулот ва хорижий инвестиция ҳажмларининг ўзгариш тенденцияси (млрд. АҚШ доллари ҳисобида) ¹¹

| Кўрсаткичлар | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|---|-------|------|------|------|------|
| Ялпи ички маҳсулот ҳажми, млрд. АҚШ долл. | 67,22 | 59,1 | 50,5 | 58,3 | 57,7 |
| Хорижий инвестициялар, млрд. АҚШ долл. | 3,8 | 3,2 | 3,9 | 4,3 | 4,2 |
| Хорижий инвестицияларнинг ЯИМ ҳажмидаги салмоғи, % да | 5,65 | 5,41 | 7,72 | 7,37 | 7,28 |

Умумий хулоса шундан иборатки, 2016-2020 йиллар давомида мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг роли ўсиб борганлиги билан характерланади. Бу эса миллий иқтисодиётни модернизация қилиш, замонавий технологияларни қўллаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, замонавий бошқарув тажрибаларини ўзлаштириш, янги иш ўринларини яратиш нуқтаи назаридан ижобий ҳолатни намоён қилади.

Хорижий инвестициялар суммаларининг ўсиш суръатлари ЯИМ умумий суммаларининг ўсиш суръатларидан юқори бўлганлиги учун ЯИМ ҳажмида хорижий инвестицияларнинг салмоғи ҳам 2016 йилдаги 5,65 фоизнинг ўрнига 2020 йилда 7,28 фоизга тенг бўлган ва демак, тадқиқот ишлари амалга оширилган йиллар давомида унинг салмоғи 1,63 ф.п.га ёки 28,8 фоизга ошган.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 2016-2020 йиллар давомида жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг ўсиб бориши қатъийлик (барқарорлик) характерига эга эмас. Ушбу кўрсаткич таҳлил қилинган йиллар даомида «кўтарилиш-пасайиш-кўтарилиш-пасайиш-кўтарилиш» тарзида ўзгариб борган. Бунинг ўзига хос сабаблари, бир томондан, хорижий инвестициялар ЯИМнинг энг муҳим ва ўзгарувчан компоненти бўлиб, уларни тахмин қилиш жуда қийин. Хорижий инвестициялар тўсатдан ўсиб кетиши ёки аксинча тушиб кетиши ҳам мумкин (масалан, АҚШда буюк депрессия даврида инвестициялар 100 фоизга тушиб кетган). Иккинчи томондан, бундай манзаранинг амалиётда кузатилиши бу ерда унга тегишли бўлган талайгина муаммоларнинг мавжудлигини ҳам кўрсатади.

Мазкур муаммолар хорижий инвестицияларнинг муҳим тури ҳисобланган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда ҳам кўзга ташланади. Жумладан, 2016-2020 йилларда мамлакат иқтисодиётга жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 15 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган. Бу кўрсаткич кўшни Қозоғистонда 108,1 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиб,

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ушбу мамлакатга йилига ўртача 22 млрд. АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция оқими кузатилмоқда (4-расм).



4-расм. Марказий Осиё мамлакатларига жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими (млрд. АҚШ доллари ҳисобида)¹²

Бундай ҳолат Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлари талаб даражасида эмаслигини яққол намоён этади ҳамда иқтисодиёт ўсишининг юқори суръатлари ва хорижий сармоёга ўсиб бораётган талабни қаноатлантириш бир-бирига мувофиқ эмаслигини кўрсатади.

Шундай бўлса-да, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакат ЯИМ ҳажмидаги салмоғи ўсиш суръатига эга бўлган. Хусусан, ушбу кўрсаткич 2020 йилда 5,03 фоизни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 2,5 ф.п.га ошган¹³.

Ўз навбатида, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакат ЯИМ ҳажмидаги салмоғининг ўсиб бориши Ўзбекистонда хорижий мамлакатлар билан ташкил этилган қўшма корхоналар сонининг кўпайиб бораётганлигидан дарак беради. 2018 йилдан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улушининг энг кам миқдорининг 30 фоиздан 15 фоизгача камайтирилиши, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонанинг иштирокчиси сифатида хорижий юридик шахс қатнашиши шартлиги тўғрисидаги талабнинг бекор қилиниши, ушбу турдаги корхоналар устав фондининг энг кам миқдорини 600 миллион сўмдан 400 миллион сўмгача пасайтирилганлиги ҳамда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи миқдорининг уч бараварга камайтирилганлиги¹⁴, хорижий инвестициялар миқдorigа қараб солиқ имтиёзларининг берилаётганлиги¹⁵ хорижий

¹² <https://cabar.asia/ru/pryamye-inostrannye-investitsii-v-kazahstane-v-2020-godu-struktura-i-dinamika>.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5495-сон Фармони.

¹⁵ Масалан, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажмига қараб, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғидан, мол-мулк солиғидан ва ягона солиқ тўловидан озод этиш муддатлари узайтирилган.

инвестицияларни фаол жалб қилишда муҳим амалий аҳамият касб этди. Жумладан, 2020 йилда Ўзбекистонда хорижий сармоя асосида ташкил этилган корхоналар сони 12300 тани, бу кўрсаткич 2016 йилда бор-йўғи 5147 тани ташкил этган, яъни 2016-2020 йиллар давомида ушбу корхоналар сони 2,4 мартага ортган (хорижий ҳамкорлар билан ташкил этилган жами кўшма корхоналарнинг 21 фоизи Россия Федерацияси, 17 фоизи Хитой Халқ Республикаси, 14 фоизи Туркия, 9 фоизи Қозоғистон, 8 фоизи Жанубий Корея ва қолгани бошқа ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга тўри келади¹⁶).

Бирок, мамлакатимизда фонд бозорининг яхши ривожланмаганлиги портфел шаклидаги хорижий инвестицияларни жалб қилинишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунинчи, 2016-2020 йиллар мобайнида Ўзбекистонга жалб қилинган портфел хорижий инвестициялар ўсиш суръатига эга бўлса-да, аммо уларнинг ҳажми талаб даражасида эмас. 2020 йилда ушбу турдаги инвестицияларнинг ЯИМ ҳажмидаги улуши 0,41 фоизни ташкил этган, холос. Шу муносабат билан, алоҳида қайд этиш жоизки, тўғридан-тўғри ва портфел хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш ҳолати султ даражада бўлиб, бундай ҳолат хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмини такомиллаштириш зарурлигини кун тартибига қўйади.

Бир вақтнинг ўзида юқоридаги маълумотлар бутун Ўзбекистон бўйича олинганлиги ҳисобга олинган бўлса, масала вилоятлар мисолида кўриб чиқилиши лозим ва бунга тегишли бўлган вазиятнинг республикамиз вилоятлари бўйича қандай эканлигини кўрсатувчи маълумотлар қуйидаги 3-жадвалда келтирилган. Республика ҳудудлари бўйича хорижий инвестициялар салмоғининг фарқлиниши (ёки юқори бўлиши ёхуд кам улушни ташкил этиши) ҳар бир маъмурий ҳудуднинг иқтисодий-инвестицион салоҳияти, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланганлик даражаси ва бошқа омилларнинг турлича эканлигидан дарак беради. Жумладан, 2016-2020 йиллар давомида республикага жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг ўртача даражаси Бухоро вилоятида 24,28 фоизни, Қашқадарё вилоятида 21,28 фоизни, Тошкент шаҳрида 12,74 фоизни ва Қорақалпоғистон Республикасида 6,86 фоизни ташкил қилиб, бошқа вилоятларга нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлган. Тадқиқот объекти ҳисобланган Самарқанд вилоятида 2016-2020 йиллар давомида хорижий инвестициялар ҳажмининг ўсиб бориши қатъийлик (барқарорлик) характериға эга. Чунки бу нарса шу ораликдаги йилларнинг барчасида (фақат 2017 йилнинг кўрсаткичлари бундан мустасно) кузатилади. Аммо, 2016-2020 йилларда республика ҳудудларига жалб қилинган жами хорижий инвестицияларнинг бор-йўғи 1,12 фоизи (ўртача даражаси) Самарқанд вилоятига тўғри келган. Бу эса ҳудуднинг инвестицион-иқтисодий салоҳиятидан етарлича фойдалана олинмаётганлигидан далолат қилади.

¹⁶<https://bigasia.ru/content/news/business/rossiya-stala-liderom-po-kolichestvu-sovmestnykh-predpriyatiy-v-uzbekistane/>.

3-жадвал

**2016-2020 йилларда Ўзбекистон ҳудудлари бўйича
хорижий инвестициялар динамикаси (фоиз ҳисобида)¹⁷**

| № | Ҳудудлар номи | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил |
|-------------|----------------------|------------|------------|------------|------------|------------|
| 1. | Андижон вилояти | 1,0 | 1,2 | 2,8 | 2,9 | 2,7 |
| 2. | Бухоро вилояти | 29,2 | 50,6 | 13,4 | 14,2 | 14 |
| 3. | Жиззах вилояти | 1,0 | 0,8 | 1,3 | 1,2 | 1,1 |
| 4. | Қашқадарё вилояти | 18,9 | 12,0 | 26,6 | 24,3 | 24,6 |
| 5. | Навоий вилояти | 1,4 | 2,4 | 11,7 | 10,8 | 11 |
| 6. | Наманган вилояти | 6,0 | 6,7 | 9,0 | 8,5 | 7,8 |
| 7. | Самарқанд вилояти | 0,8 | 0,7 | 1,2 | 1,4 | 1,5 |
| 8. | Сурхондарё вилояти | 2,0 | 3,1 | 5,7 | 5,8 | 5,5 |
| 9. | Сирдарё вилояти | 1,0 | 0,5 | 0,8 | 0,7 | 1 |
| 10. | Тошкент шаҳри | 14,3 | 13,2 | 12,0 | 11,7 | 12,5 |
| 11. | Тошкент вилояти | 5,5 | 4,8 | 5,6 | 6,2 | 5,9 |
| 12. | Фарғона вилояти | 2,2 | 1,2 | 4,0 | 5,1 | 4,8 |
| 13. | Хоразм вилояти | 0,8 | 1,2 | 1,1 | 1,3 | 1,5 |
| 14. | Қорақалпоғистон Рес. | 15,9 | 1,6 | 4,8 | 5,9 | 6,1 |
| Жами | | 100 | 100 | 100 | 100 | 100 |

Хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан яна бири бу уларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланишидир (4-жадвал).

4-жадвал

**2016-2020 йилларда хорижий инвестицияларнинг иқтисодиёт тармоқлари
бўйича ўзлаштирилиши (фоиз ҳисобида)¹⁸**

| Тармоқлар номи | 2016 йил | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил |
|--|----------|----------|----------|----------|----------|
| Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги | 1,6 | 1,1 | 2,1 | 6,4 | 10,4 |
| Тоғ-кон саноати | 31,1 | 56,8 | 24,7 | 17,7 | 18,2 |
| Ишлаб чиқариш саноати | 27,4 | 14,8 | 19,9 | 32,9 | 42,1 |
| Электр энергияси, газ, буғ ва конденцияланган ҳаво | 12,3 | 2,3 | 35,0 | 19,8 | 8,3 |
| Сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш | 3,0 | 1,6 | 2,8 | 1,3 | 1,3 |
| Қурилиш | 0,1 | 0,1 | 0,3 | 4,2 | 4,8 |
| Ташиш ва сақлаш | 13,1 | 8,5 | 5,5 | 4,2 | 2,3 |
| Ахборот ва алоқа | 7,2 | 8,7 | 1,4 | 1,6 | 2,0 |
| Таълим | 1,0 | 0,8 | 0,1 | 0,05 | 0,3 |
| Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 1,7 | 3,0 | 0,8 | 2,2 | 2,0 |
| Бошқа фаолият турлари | 1,6 | 2,3 | 7,4 | 9,6 | 8,3 |

2016-2020 йилларда давомида жами хорижий инвестицияларнинг 18,2 фоизи тоғ-кон саноатига, 42,1 фоизи ишлаб чиқариш саноатига, 8,3 фоизи электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони конденсациялаш тармоғига,

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган. <https://stat.uz>.

қолганлари сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация, ташиш ва сақлаш, улгуржи ва чакана савдо, транспорт воситаларини таъмирлаш, ахборот ва алоқа, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларга тўғри келган. Экспорт салоҳияти юқори бўлган – машинасозлик, электротехника, металлургия, кимё ва фармацевтика тармоқларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг даражаси пастлигича қолмоқда.

Жами хорижий инвестицияларнинг 68,6 фоизи тоғ-кон ва ишлаб чиқариш саноатида ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони конденсациялаш тармоғида жамланган бўлиб, ушбу тармоқлар иқтисодиёт ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон олтин захиралари бўйича дунёда 4 ўринни, уни қазиб олиш бўйича 7 ўринни, мис захиралари бўйича 10-11, уран захиралари бўйича 11-12 ўринни эгаллайди. Мамлакатимизда 1800 дан зиёд кон ва 1644 га яқин истиқболли фойдали қазилмалар, 118 турдаги минерал хом ашё ресурслари мавжуд¹⁹. Бундай салоҳият хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим омили саналади ва шу боис Ўзбекистоннинг иқтисодий-инвестицион салоҳиятини ифода этувчи халқаро даражада инвестицион форумлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, 2016-2020 йилларда Самарқанд вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибида тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ҳамда кредитлар салмоғининг ўртача даражаси 5,64 фоизни ташкил қилган (5-жадвал).

5-жадвал

Самарқанд вилояти бўйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибида хорижий инвестициялар салмоғи²⁰

| Кўрсаткичлар | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. |
|---|---------|---------|---------|---------|----------|
| Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми, млрд. сўм | 14999,9 | 18133,4 | 31187,4 | 37593,9 | 42378,10 |
| Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд. сўм | 9798,6 | 3307,1 | 5746,9 | 9798,6 | 13426,0 |
| Тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар, млрд. сўм | 2108,2 | 57,7 | 242,6 | 2108,2 | 3152,50 |
